

## **Педагог кадрлар аттестацияси якунлари**

Таълим сифатини ошириш жараёнида педагог кадрлар салоҳияти ва улар меҳнатини рағбатлантириш ишлари муҳим ўрин тутади. Мазкур жараённи янада такомиллаштириш ва педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда уларга тегишли малака тоифаларини бериш ишлари мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимиға жорий этилган бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Давлат тест марказининг асосий вазифаларидан бири сифатида узлуксиз таълим тизимида банд бўлган педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўtkазишни ташкил этиш ва амалга ошириш белгиланган.

Давлат тест маркази ушбу асосий вазифани бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида амалга ошириб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сонли қарори асосида умумий ўрта таълим муассасаларининг педагог кадрлари касбий фаолиятини рағбатлантириш ишлари бажарилмоқда.

Аттестация жараёнларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, аттестация комиссиялари иш натижалари таҳлили ҳамда улар фаолиятига тегишли баҳоларни бериш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, педагог кадрларга аттестация натижаларига кўра ўрнатилган тартибда малака тоифасини бериш тўғрисида белгиланган шаклдаги сертификатлар топширилмоқда.

Педагог кадрларни аттестация ўтказиш тартибига кўра аттестация комиссияси тақдим қилинган ҳужжатларни ҳар томонлама кўриб чиқиб, педагог кадрларнинг меҳнати самарадорлиги – таълим олувчиларни тайёрлаганлиги, таълим олувчилар ва аттестациядан ўтувчиларнинг туман, шаҳар, вилоят, республика, халқаро кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари; ўкув фани бўйича малака синовлари – дипломида кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналишлари, мутахассислик (ихтисослик)лар бўйича давлат таълим стандартлари ёки давлат талаблари мазмуни асосида ўтказиладиган тест, ёзма ёки ижодий иш натижалари; чет тиллар, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек ижтимоий - сиёсий билимига оид сухбат якунлари бўйича тегишли қарорларни қабул қиласи.

2016 йилда Давлат тест маркази ва Халқ таълими вазирлиги томонидан халқ таълимимуассасаларининголий ва биринчи тоифали педагог кадрлари ва шу малака тоифаларига даъвогарларнинг малака синовларида 53455 нафар педагоглари қатнашган.

1-жадвалда 2016 йилда ўтказилган халқ таълими тизимидағи давлат умумий ўрта таълим мактаблари педагог кадрлари аттестацияси натижаси ҳақидаги таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Республика миқёсида аттестацияда иштирок этган халқ таълими тизимидағи педагог кадрлар бүйича маълумотлар таҳлил қилинганда күйидагиларни кўришимиз мумкин:

- олий малака тоифалипедагог кадрларнинг (жами: 2052 нафар) 84 фоизи малака тоифаларини сақлаган бўлса, 16 фоизи эса биринчи малака тоифага тушган. Бунда нисбатан юқорироқ натижалар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва Фарғона вилоятлари педагогларида кузатилди. Уларда мос равишда 91.3, 95.6 ва 96.7 фоиз педагоглар олий малака тоифаларини сақлаган; Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари педагоглари мос равишда 30.5, 30.2 ва 21.3 фоиз билан иккинчи малака тоифага тушган;

- биринчи малака тоифали педагог кадрларнинг (жами: 15410 нафар) 14 фоизиолий малака тоифасига ўтган, 70 фоизи малака тоифаларини сақлаган бўлиб, 16 фоизи эса иккинчи малака тоифага тушган. Бунда нисбатан юқорироқ натижаларга Тошкент шаҳар, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳари эришди. Уларда мос равишда 17.4, 18.8 ва 19.7 фоиз педагог кадрлар олий малака тоифасига ўтган. Жizzах, Навоий ва Сирдарё вилоятлари педагог кадрлари мос равишда 74, 76.2 ва 77.3 фоиз билан малака тоифаларини сақлаган. Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари педагог кадрлари мос равишда 22.9, 22.1 ва 19.3 фоиз билан иккинчи малака тоифага тушган;

- иккинчи малака тоифали педагог кадрларнинг (жами: 35993 нафар) 17 фоизи биринчи малака тоифасига ўтган, 57 фоизи малака тоифаларини сақлаган бўлиб, 26 фоизимутахассис малака тоифага тушган. Бунда нисбатан юқорироқ натижалар Жizzах, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳарида кузатилди. Уларда мос равишда 19.6, 19.9 ва 31.1 фоиз педагог кадрлар биринчи малака тоифасига ўтган. Бухоро, Наманган ва Жizzах вилоятлари педагог кадрлари мос равишда 59.6, 60 ва 80.4 фоиз билан малака тоифаларини сақлаган. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари педагог кадрлари мос равишда 34.1, 35.4 ва 31.8 фоиз билан мутахассис малака тоифасига тушган;

- мутахассис малака тоифали педагог кадрларнинг (жами: 20721 нафар) 91 фоизи иккинчи малака тоифасига ўтган, 9 фоизи эса малака тоифаларини сақлаган. Бунда нисбатан юқорироқ натижалар Жizzах, Хоразм ва Фарғона вилоятларида кузатилди. Уларда мос равишда 99.8, 98.4 ва 97.7 фоиз педагог кадрлар иккинчи малака тоифасига ўтган. Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар педагог кадрлари эса мос равишда 22.9, 26.4 ва 15.1 фоиз билан малака тоифаларини сақлаган.

1-жадвал

Халқ таълими тизимидағи давлат умумий ўрта таълим мактаблари педагог кадрлари аттестацияси натижаси  
хақидағи таҳлилий маълумотлар

№	Худуд	Аттестацияга жалб этилганлар	Сертификат тарқатилғанлар	Олий малака тоифа		Биринчи малака тоифа			Иккинчи малака тоифа			Мутахассис малака тоифа	
				сақлади	тушди	ошди	сақлади	тушди	ошди	сақлади	*тушди	ошди	*сақлади
1	Қорақалпоғистон Рес.	<b>5109</b>	<b>4085</b>	116	11	121	484	129	404	1477	974	1343	50
2	Андижон вилояти	<b>5935</b>	<b>5305</b>	194	85	143	1091	366	364	1203	486	1859	144
3	Наманган вилояти	<b>6284</b>	<b>5392</b>	161	27	202	912	183	543	1975	775	1389	117
4	Фарғона вилояти	<b>9898</b>	<b>8472</b>	118	4	316	1158	206	988	3148	1367	2534	59
5	Бухоро вилояти	<b>5493</b>	<b>4890</b>	120	52	232	974	188	537	1605	551	1182	52
6	Хоразм вилояти	<b>7229</b>	<b>6374</b>	379	52	312	1680	323	578	1898	836	1152	19
7	Сурхандарё вилояти	<b>4366</b>	<b>3814</b>	74	20	95	626	172	212	905	467	1710	85
8	Қашқадарё вилояти	<b>7430</b>	<b>5703</b>	152	27	180	1044	347	405	1794	1207	1754	520
9	Жizzах вилояти	<b>2992</b>	<b>2990</b>	78	10	73	574	129	185	759	0	1182	2
10	Навоий вилояти	<b>4221</b>	<b>3686</b>	118	17	126	677	85	420	1266	483	977	52
11	Самарқанд вилояти	<b>6567</b>	<b>5173</b>	57	8	141	681	154	459	1912	1107	1761	287
12	Сирдарё вилояти	<b>1736</b>	<b>1445</b>	28	4	17	167	32	162	515	269	520	22
13	Тошкент вилояти	<b>4932</b>	<b>3922</b>	65	3	128	526	81	507	1612	651	1000	359
14	Тошкент шаҳри	<b>1984</b>	<b>1727</b>	62	10	66	237	32	307	512	168	501	89
<b>Жами:</b>		<b>74176</b>	<b>62978</b>	<b>1722</b>	<b>330</b>	<b>2152</b>	<b>10831</b>	<b>2427</b>	<b>6071</b>	<b>20581</b>	<b>9341</b>	<b>18864</b>	<b>1857</b>

\* Мутахассис малака тоифасига эга педагог кадрларга сертификат берилмайды.

Давлат тест маркази бош эксперлари  
Ш.Т.Сабиров, У.А.Нурманов